

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси
томонидан 2017 йил 11 декабрда
тасдиқланган

Статистика соҳаси фаолияти бўйича
Давлат статистика қўмитасининг ягона телефон рақами хизмати
РЕГЛАМЕНТИ

1. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАЗМУНИ

1.1. Хизмат кўрсатиш номи

Статистика соҳаси фаолияти бўйича Давлат статистика қўмитасининг телефон рақами (бундан кейинги ўринларда –“ягона телефон рақами”).

1.2. Хизмат кўрсатиш натижаси

Ягона телефон рақами қўмита раҳбарияти, жумладан раис ва унинг ўринбосарларининг иш вақти, шахсий қабул кунлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, мутахассислар ва соҳа фаолиятининг барча йўналишлари бўйича масъул раҳбарлар, муассасалар билан боғланиш тўғрисида маълумот беради.

1.3. Хизмат кўрсатувчи орган

Давлат статистика қўмитасининг (0 371) 230-81-52 шаҳар телефон рақами орқали амалга оширилади.

1.4. Ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни, (03.12.2014 й. Ўз-378-сон)

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида 2017 йил 11 сентябрдаги ЎҚР-445-сон Қонуни

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 август "Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 181-сон

Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлаш тўғрисида”ги 104-сон буйруқ.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда унинг тизимидаги муассасаларнинг истеъмолчилари, жисмоний ва юридик шахслар, хорижлик юридик ва жисмоний шахслар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар.

1.6. Сўровнома бериш муддати

Ягона телефон рақами орқали маълумотларни ҳафтанинг иш кунларида, соат 09:00 дан 18:00 га қадар тақдим этиш кўзда тутилган.

Тушлик: 13-00 дан 14-00 гача

1.7. Ижро муддати

Ягона телефон рақами орқали соҳага тааллуқли раҳбарлар, масъул ходимлар ва корхоналар тўғрисида маълумотлар ўша заҳоти жавоб олинади.

1.8. Тасдиқнома юбориш муддати

Ягона телефон рақами орқали қабул қилинган мурожаатлар қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқнома юбориш кўзда тутилмаган.

2. ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ

2.1. Маълумот ҳажми ва таркиби

Ягона телефон рақами орқали маълумот олиш тўғрисидаги маълумот Давлат статистика қўмитаси www.stat.uz сайтида жойлаштирилади.

2.2. Тасдиқланган бланка (форма)лардан фойдаланиш

Ягона телефон рақами орқали хизматидан фойдаланишда тасдиқланган бланка (форма)лар ишлатилмайди.

3. ХИЗМАТ КўРСАТИШ

3.1. Иш вақти

Қўмитанинг Ягона телефон рақами соат 09:00 дан 18:00 гача фаолият кўрсатади.

Тушлик: 13-00 дан 14-00 гача

3.2. Кутиш шартлари

Ягона телефон рақами орқали қабул қилинадиган мурожаатлар ўша заҳоти жавоб қайтарилади ва кутиш кўзда тутилмаган.

4. ХИЗМАТ КўРСАТИШ ТАРТИБ - ТАОМИЛИ

4.1. Талаб қилинадиган ҳужжатлар

Ягона телефон рақами орқали қабул қилинадиган мурожаатлар чоғида жисмоний ёки юридик шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, мурожаатнинг моҳияти мурожаатни қабул қилаётган масъул ходимнинг сўровига кўра, баён этилиши керак.

4.2. Хизмат кўрсатиш қиймати

Хизмат бепул кўрсатилади.

4.3. Хизмат кўрсатишнинг босқичлари

Ягона телефон рақами қуйидаги мавзуларда маълумотни тақдим этади:

- Давлат статистика қўмитаси фаолияти, бошқарма ва бўлимлар бўйича;
- Давлат статистика қўмитаси тизимидаги корхона-ташкilotлар бўйича.

4.4. Хизмат кўрсатишнинг ички-идоравий ҳаракатлари

Давлат статистика қўмитасида Ягона телефон рақами тизими қўмитанинг (0 371) 230-81-52 рақамида ўрнатилган бўлиб, жисмоний ва юридик шахслар томонидан қўнғироқ қилиб, статистика соҳаси фаолиятига дахлдор маълумотлар тақдим этилади.

4.5. Рад қилиш асослари

Хизматда рад қилиш ҳолатлари кўзда тутилмаган.

5. СИФАТНИ ТАЪМИНЛАШ

5.1. Хизматнинг сифатсизлиги бўйича шикоят қилиш

Ягона телефон рақами хизматидан фойдаланувчи кўрсатилган сифатсиз хизмат, хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари бўйича, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят бериш учун Давлат статистика қўмитасидан юқори турувчи органига (юқори турувчи мансабдор шахсига) ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.